

Ўзбекистон Президентининг ташаббуси МДХ давлатлари тажрибасини бирлаштиришга имкон беради



Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида бўлиб ўтган МДХ саммитида Шавкат Мирзиёев МДХ Аксилтеррор маркази базасида дерадикализация соҳасида, шу жумладан, қуролли тўқнашувлар ҳудудларидан қайтган шахсларни уларнинг тинч ҳаётга қайтиши борасида ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Мазкур ташаббуснинг аҳамияти бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида кузатилаётган қуролли тўқнашувлар ва уларда МДХга аъзо давлатлар фуқароларининг иштирок этиши билан боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, ҳозирда ва яқин келажакда МДХ маконида экстремизм ва терроризм хавфсизликка асосий таҳдид сифатида кўрилмоқда. Айтиш мумкин, ушбу йўналиш МДХни 2030 йилгача янада ривожлантириш концепциясидан алоҳида ўрин эгаллаганини ҳам қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳар бири қуролли тўқнашувлар ҳудудларида бўлган ўз фуқароларини дерадикализация қилиш бўйича ўзига хос тажрибага эга. Масалан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия ва Тожикистон Сурия ва Ироқдан мингдан ортиқ фуқароларини ўз ватанига қайтаришди. Ушбу соҳадаги кейинги ҳамкорлик мазкур шахсларни ижтимоий мослашуви бўйича самарали ва мувофиқлаштирилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Айтиш жоизки, МДХнинг Аксилтеррор маркази ҳамдўстлик давлатларининг экстремизм ва терроризмга қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган мувофиқлаштирувчи тузилма вазифасини бажаради. Мазкур марказ бу борада турли концептуал дастурларни ишлаб чиқиш тажрибасига эга.

Шунингдек, МДХда экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган ўрта муддатли стратегияларни қабул қилиш бўйича самарали амалиёт яратилган. Масалан, 2019 йилда мазкур йўналишда МДХга аъзо давлатларнинг 2020-2022 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилинди.

Бирок, ушбу ҳужжат экстремистик ҳаракатларга алоқадор шахсларни дерадикализация қилиш бўйича ҳамкорлик чораларини ўзида акс эттирмади.

Шу боис, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу соҳадаги ташаббуси радикал ғояларга қарши курашиш, шунингдек экстремизм ва терроризмда айбдор деб топилган шахсларнинг профилактикаси ва реабилитацияси масалаларини МДХ кун тартибига киритиши долзарб ва стратегик аҳамиятга эга.

Аниқ ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу ташаббуснинг ижобий натижаларига яқин келажакда гувоҳ бўлиш мумкин.

Темур АҲМЕДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бўлим раҳбари

Манба